




Бир йигитнинг ҳаётга муҳаббати ҳақида

КУЙ А В Ж И Д А УЗИЛМАСИН ТОР

— Нима дедингиз? Ўғлим фалокатга учради... Қачон?

— Бир соат олдин. Юқори қаватдан йиқилиб тушди.

— Вой шўрим, вой шўрим қурсин... Тулқиний опанинг кўз олди қоронгулашиб кетди.

— Кўзлари жикка ёшга тўлган оназор теллофон трубкини ташлади, сарпоячан кўчага отилди.

Шу пайт Нодир ака келиб қолди.

— Тўхта, нима гап, тинчликми? — сўради Нодир ака машинадан тушиб уй киёмида кетаётган хотинининг орқасидан бақираркан.

Тулқиний опа тўхтади.

— Бахтсизлик, бахтсизлик адаси, Бахтиёримиз ишда тепадан йиқилиб тушибди. Ҳайданг тезроқ.

Нодир аканинг юрагида нимадир узилиб кетгандек бўлди, бир аум ўзини йўқотиб қўйди. Машинасига газ босди, ўғли практика ўтказётган кўриш томонга уни елдириб кетди.

Бу ерга етиб келганларида Бахтиёрни ҳозиргина касалхонага олиб кетишган эди...

Фалокатга бир одамнинг, анжироги прорабининг қайсарлиги сабаб бўлган экан.

Сен бутун бетон тешасан, — деб қолди прораб шу кун.

— Бу иш қўлимдан келмайдик-ку, бошқа юмуш буюринг, — илтимос қилди Бахтиёр.

Прорабининг ношари чинирилди:

— Гап қайтарма, бола. Иш дегани шунақа, тушунадими, ақл ҳолда инстинктингга хат ёзиб практикада енгил иш таялди, дейман.

Бошқа илож қолмаганди. Ҳавоза устига нарвон кўйиб прораб айтган топшириқни бажара болади.

Кун иссиқ, тушунки овқатга чиқишларига озгина фурсат қолган эди. Ҳавоза устидаги нарвоннинг оёғи тойиб кетиб, Бахтиёр баландликдан ағдарилиб тушди. Қий-чўв бўлиб кетди. У ашрафий ҳўшини йўқотди. Қўрувчилар уни ақил билан касалхонага кўчиришди. Бунинг кўрган тулқан прораб эса сохта ақл ёзиб, кеч бўлмадан бошқалардан қўл қўйдириб олиш пайига тушди.

Тулқиний опа ва Нодир ака касалхонага келганларида Бахтиёр ҳамон ҳўшини ётар, врачлар унга турли муолажалар қилишар эди. Вараиб бўлмади, оғриқни қолдирадиган уколларнинг нафи сезилмади. Кечга бориб оёқларида сезги, кейин эса ҳаракат бутунлай йўқолди.

У бир умрга ногирон, икки оёғи ишламай, юрولмайдиган бўлиб қолганидан ҳали беҳабар эди...

Врачларнинг боши қотган...

Касалхонада ётган кезлари қариндош-уруғлари, дўстлари тез-тез уни кўргани келишар, юпатишар, кўнглини кўтаришарди.

Бир кун палатага уч киши кириб келди. Аввалига Бахтиёр уларни танимади. Кейин эсига тушди: қариндош қўришдаги прораб турарди. «Қайсарлиги туфайли менга ўз айтганини қайтариб энди кечини сўраб келибди-да», деган фикр унинг хаёлидан ўтди. Йўқ, қаёқда дейсиз? Прораб гапни чўзиб ўтирмадан мўддаосини айтиб қўйди:

— Энди бундай гап, ука. Бўлар иш бўлди. Оёқларинг энди ишласан экан. Менга жабр қилма. Икки энлик қозога қўл қўйиб берсанг олам гулистон, бошим галвадан тинчиди. Бу ёнига хурсанд қилмаман.

Унинг бу гапларини эшитди-ю, асабиланган Бахтиёрнинг лаблари титради. Хайриятки, шу дамда ҳамшира келиб қолди.

— Илтимос, беморни ёлғиз қўйсангиз. Бу йигитга фақат оёсийиш керак. — дея дораб ва шериқларини палатадан чиқариб юборди ва Бахтиёрга юзланди:

— Тинчланинг, сизга асабиланган мўмин эмас, — деди ва ўзи ҳам чиқиб кетди. «Эчига жон, қасбига ёғ қайғуси» деганлар шу бўлса керак-да, хаёлидан ўтди Бахтиёрнинг. Мени ким деб ўйлаётди у. Энди туролмай қолди, умр бўйи ҳеч насага ярамайди, пул олиб борсам ҳамма гапимга рози бўлади, деб ўйлабди-да! Хўш,

бу ёғи қандай бўлар экан? Ўзимни-ўзим эплаб оларимканман, ишласамас аҳволим не кечди, ота-онамга тирик тоов бўлмас-миканман? Ёки ваъда қилаётган пуллари... Йўқ-э, йўқ! Бунақаси кетмайдик! Ахир сен ҳалол яшашга ўргангансан-ку, ота-онанг сени пешона терлари билан топган пуллари эвазига воёга етказишган-ку...»

— Нималарнинг хаёлини сўрайсан, — эшикдан кириб келган ҳамширанинг жарангдор овози Бахтиёрнинг ўйларини бир аумда тарқатиб юборди. Ҳалиям ўйлаб-сизми ўшани? Прорабингиз сал думбўлга ўхшайдими? Қўйинг, хафа бўлмаг. Ўйласан, мен сизга журнал олиб келдим. Шундаги бир мақолани ўқиб чиқингизни маслаҳат бераман.

Бу «Наука и жизнь» журнали эди. Унинг ўртасидаги мақолага белги қўйилган. «Бир мавзуда уч го» сарлавҳали мақолада Москвадаги Вишневский номи институтда ишловчи профессор Липшицнинг бир апарат ўйлаб топгани, яъни умуртгага аккумулятор қўйиб шу йўл билан майиб бўлиб қолган касалларни юрти-зишни йўлга қўйиш гоёси ҳақида ёзилган эди. Ушбу мақолада Қримдаги Бурденко номи Санки санаторийида умуртхаси ш. касалланганларнинг даволаниши ҳам ёзилган эди.

Унинг табиийини тевроқ тузалгиси, оёқга тургиси келарди. Бироқ, бунинг учун фақат ораунинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун матонат, жасорат қўратиш, турли қийинчиликларни енгитиш лозим. Бундай қийинчиликлар эса етарли. Масалан, раён социал таъминот бўлимига Сакига пўтёвка масаласида учрашишганда у ерда совуққина қилиб:

— Биздан асло умид қилманглар, — деган рад жавобни беришди.

Москвага бориб Липшиц апарати хусусида сўрашганда яна ҳафсалалари пир бўлди. Бироқ профессорнинг ўзи уларнинг кўнглини кўтарди:

— Имконияти билан навбатга қўямиз ўлгингизни, кейин сизларга хабар берамиз. СССР Соғлиқни сақлаш министрлигида ҳам ўлгининг ташвишида юрган Тулқиний опага гапхўрлик қўришди. Орадан бир ош вақт ўтган улар истикомат қиладиган Октябрь районининг Мухидин Қорйқубов кўчасидаги 49-уйга, Ҳанимовлар хонадонига хабар келди. Унда Сакига пўтёвка акратилгани айтилганди.

Саки санаторийида балчиқ билан муолажа қилишлар бемасара кетмади: Бахтиёрнинг бемажол, ҳеч нарсани ҳис этмайдиган оёқларида ниҳоят сезги ўйғонди. Бемор қалбида эса умид нишонлари пайдо бўлди. Ўтирган жойида спорт билан шуғулланиш, ҳаракатланишлар ҳам ўз кўнини кўрсата бошлади. Хар хил гантеллар билан машғул ўтказиш, ўй полида худди боладек эмаклар билан машқ қилиш, уйда юрадиган аравага велосипед педалини ўрнатиб, оёқ билан айлантириш... Булар айтишганига осон. Буларнинг ҳаммаси Бахтиёрнинг иродаси, қатъият ва жасорати эвазига эришаётган силжиклар эди.

Хаста, ногирон одамнинг кўнгли айнасида нозик бўлади. Шунинг учун ҳам бундай қийинлар билан жуда эҳтиёт бўлиб гапириш керак. Аммо ўйламай айтилган бир гап Бахтиёр қалбини ларага солди, у бутун иродасини тўлаб бир неча йиллик танаффусдан сўнг оёғини ерга босди...

Уша кунни уйда ўтириб жуда зерикди-да, укаси Фарҳодни ёнига ўтказиб «Октябрь» колхоз бозори томон мотоколжасини ҳайдаб кетди. «Томир ва Зухра» магазини ёнидаги жойга машинасини эҳтиёткорлик билан қўётган эди, бўғиқ бир овоз эшитилди:

— Э бола, фаросат борми сенда. Е оёқ билан каллангиз ҳам йўқотганмисан, «Волга»га тегиб кетингизга ош қолди-ку. Бахтиёр машинасида бошини чиқариб овоз келган томонга қаради. Орқадаги дарахт соясида тилла тиши йигит ёнидаги бир сатанг аёл билан писта чиқиб қийшанлашиб турарди.

— Оғзингизга қараб гапиринг, ҳақорат қилманг, — дея олди Бахтиёр.

— Сен бормидинг менга ақл ўргатмаган чўлоқ, аравагинг юртсангчи.

Шу тобда унинг жуда ҳам юртиси келди. Қани энди ҳозир машинасидадан тушиб, халғи йигитдан аламини олса. Афсуски оёқлари унга бўйсунмасди.

Орага бир мўйсифид тушиб, тилла тишли йигитга:

— Ногиронлигини нега юзига сояласан, диёнатинг борми ўзи, хайф сенга-е, — деб даъво берди-да Бахтиёрга юзланди:

— У сени эмас, ўзини ҳақорат қилди. Ўғлим. Беш қўл баробар эмас, ҳар хил тоифадан одамлар бор-да! Ундан ранжима, ранжинингизга азиямидиган одам экан. Бахтиёр диёлисиз бўлиб тўғри уйига қайтиб келди. Фалокат ош берган ўша машъум 1976 йил 5 июль кунни юқори қаватдан йиқилиб тушганида ҳам, нархоз бермай бир неча соат операция столда ётганида ҳам бунчалик хўрлиқ келмаган эди. Ҳамма оғриқларга чидаган бардош берганди. Лекин одобсиз йигитнинг ҳақоратли сўзи унинг юраига ханжар каби қадалганди. Етти йилдан бери фақат ухлаган пайтидагина ўтирмайдиган, бўш турадиган арава-чиси билан ертўла олдинда борди... Эр-хотин ажабланиб унга қарашди.

— Фарҳод, акангга қара, — дея олди Тулқиний опа.

Фарҳод уй ертўласига тушганда Бахтиёр ногирон бўлиб қолган ортопедия заводидан буюртма қилиб олиб келинган протез оёқни кўкракчага қийишга уринаётган эди. 10 минут ўтди. 20 минут ўтди... 40 минутдан кейин у уй зиналосига оёқ унинг қўйди-ю, ерга қўзғабан йиқилди. Тулқиний опа додлаб юборди.

— Йилманган, ояжон. Мен чўлоқ эмасман. Шу ондан бошлабқо юрарман...

Оёқларига шу протезини биринчи бор қийиб кўрганда оғриқча қийиб олмаган, протез худди нафасини бўғиб қўятгандек туюлган эди. Шу-шу протез оёқ уй ертўласида ётарди...

У мотоколжасига ўтирди-да тўғри Юнус-ободга, ўзига давлатийи томонидан берилган квартирга жўнади. Яна биринчи бор қадан қўйиш, биринчи марта подьезд эшигидан кириб, зиналар орқали кўтарилиш ва биринчи бор уй эшигини аввалгидек аравачада эмас, балки ўзи келиб очиб...

Кетма-кет босилган эшик қўнғирогидан серкан торган Бахтиёр аста қўлтигаёғини олди-да эшикни очди. Эшик олдида Тулқиний опа билан Нодир ака туришарди. Улар ўғилларига тасалли бергани келишганди...

Ҳеч қайси ота билан онанинг бошига бундай мусибати солмасан. Фалокат юз берган кундан бери ўтган йиллар унинг ота-онаси учун нақадар оғир бўлганини фақат улар билишарди. Бироқ барча оғирликларга сабр-бардош билан чидашди. Ўғиллари юрولмас-да ҳаётга, яшашга муҳаббат билан қараётганининг ўзи уларга таскин берар, ўртанган юракларини совуртарди.

Нодир ака тўнғич ўғлини олий маълумотли қилиш орузида эди. Улар оиласидаги фалокат унинг бу ширин орузларини чил-парчин қилиб юборди.

Бир кун у ўз қалбини ларага солади-ган воқеанинг гувоҳи бўлди. Юмуш билан «Бахт ўйи» олдинда ўтиб қолди. Унинг юзи бирдан тундлашди, қўзларига ёш келди, бироқ бунинг ёнидагила бидирмасликка ҳаракат қилди-ю, бўлмади.

— Авзонгиз нега ўзгарди, нега кайфиятигиз бузилди, — деб сўрашди ундан.

— Э, бунга аста сўраманг. Қайси ота мурғакликдан катта қилган ўғлини қўвлик либосида қўришни оруз қилмайдик! «Бахт ўйи» олдинда ўтаётди, шодон чехралар — юзлари гул-гул ёнган келинчақлар бахтидан қувончага тўлган қўвларни кўрди-му, юрагининг бир толаси узилгандек бўлиб кетди... Бунинг бахиллиққа йўлманг. Йўқ, йўқ, мен одамлар бахтидан севингандиларданман. Хаёлимга ўғлим, Бахтиёр келди... Унга ҳам шундай кунлар... Афсус...

Йиллар ўтди... Нодир ака энди афсусланмади. У бахтли онларнинг шўхиди бўлди, ўзи оруз қилган кунлар келди...

Эсингиздами Нодир ака, Бахтиёрнинг қўвлик либосида хонадонингизга кириб келган онлари.

Эсингиздами, рафиқангиз Тулқиний опа билан ўлгинингиз сизни биринчи неварани билан табриклаб 1984 йил 24 май кунни эрталаб ишхонангизга борган онлари...

Эсингиздами, иккинчи неварали бўлган кунингиз... Эсингиздами, фарзандингизнинг олий маълумотли бўлиб, диплом олиб, қувончага тула кунлар.

Эсингиздами, ўлгинингизнинг сиздан қилган илтимоси. Ўшанда у «Дада, ишласам, одамларга нафим тегса», деб қолди. Қўзларингизда ёш қалқиди. Унга мос иш топиш керак эди: зина билан чиқилмайдиган ишхона, юриб эмас, фақат ўтириб ишлайдиган касб-хўнар керак эди. Мана, энди у одамлар хизматига: «Марказ-27» квартирасида радио ва телевизор тузатишдаги устахонанинг қўли гул устаси, микозлар ундан — радиомеханик: Бахтиёр Ҳақимовдан мамнун. Унинг ўзи одамларга нафи тегаетганидан севинади. Шундай онларни кўрганингизда сиз ҳам бахтингиздан шўланасиз.

Тўлқиний опа! Она қалбининг нақадар бардошли эканлигини, унинг ҳар қандай синаотларга чидашини сизнинг тимсолингизда кўриб турибмиз. Ўн саккиз йил оқ юзи, оқ тараган ўлгинингизнинг фалокат туфайли ногирон бўлиб қолганини, кечагина кўз ўнгизда институтга, практикага шахдам қадам ташлаб чиқиб кетиб, сўнг умр бўйи юрولмайдиган холга тушганини кўриш сиз учун нақадар оғир эди...

Фалокат юз берадиган кунни эрталаб кетаркан:

— Ояжон, вақтлроқ келаман, ош дамланг, ҳаммамиз жам бўлиб бир гурунглашайлик, — дегани эсингиздами? Нохуш хабар келганда сиз ўчоқ бошида экансиз. Дахшатдан ўзингизни йўқотиб, фарёд чекдингиз. Ош-ошда қолди, уй киёмида жигарбандингиз — Бахтиёр олдида қандай етиб борганингизни билмайсиз. Навқирон ёшдаги ўлгингиз хўшсиз, бемажол ётарди...

Айтмоқчи, эндиликда ётди кунлар сизга ҳамроҳ. Ўлгингизни, ширин невараларингиз Шаҳлохон ва Сардорбекни кўрганингизда тақдирингизга шукроналар айтасиз, қўзларингизга қувонч ёшлари келади. Бу ҳам аёл қалбининг маъсумлигидан эмасми?

Бахтиёр, сизга ҳам гапимиз бор. Эсингиздами, ўша оғир кезларда меҳрибон кишилар бошингизда парвона бўлишди, шифокорлар сизни ҳаётга қайтариш, бемажол оёқларингизга «жон» киргизишни ўйлашди, сиз таҳсил қўрадиган Тошкент Давлат маданият институтини раҳбарлари-ю оддий хизматчиларигача ўқидан қўлиб кетмаслигингиз йўлларини қидиришди. Фалокатга сабабчи бўлган прораб-чи? Гапим дилини оғитиб қўймасикан демай, нопок йўл билан топишган пуллари «саҳийлик» билан ваъда қилгани-чи? Ёки сизни ҳақоратлаган, «Волга»лик тўқис йигитнинг диёнатсизлигини? Сиз эса ҳаётдаги бундай зиддият кечинмаларга жасорат ва иродангизни қарши қўя олдингиз.

Ҳа, ҳаёт қизик, гоёт мураккаб, унинг ёзилган ва ёзилмаган қонун-қоидалари ҳам беҳисоб. Ваъзид азиямас сабаб билан бир-биринингиз дилимизни ранжитиб қўямиз. Бошга тушган қийинчиликлардан чўчиб, оқ-воҳлар урамиз, умидсизланамиз, енгил йўлар ахтариб қўламиз, иродасизлик қиламиз. Бу гапларингиз сизга мутлақо ёт эканлигини биз биламиз, ҳаёт учун курашганингизни ҳам биламиз. Биламиз, қўй-қўйишлар шайдоси ҳам эдингиз. Қўйиш айтиб, яхши қўйлар ҳам чалар эдингиз... Бир сўзга пайта айтган гапингиз эсингиздами? Каравотга михланиб ётган бўлсангиз ҳам мусиқининг сехри оҳанглари, эшитишни қанда қилмаганингиз, бир оқшом севилик шоримиз Эркин Воҳидовнинг...

Кўй авжиди узилмасин тор Шейр армияда синимасин қалам, Яшаб бўлмай умрини зинҳор Бу дунёдан кетмасин одам.

деган сатрларини тинглаб ўқинганингизни сўзлаб берган эдингиз. Бироқ зўр ирода ва ширин орузлар қанотингиз эди. Авжи йигитлик даврингизда, авжи ўйнаб-қўладиган чоғингизда бахтсизлик туфайли кўнгли торларингиз узилган бўлса-да ҳали олдинда нурли тақдирлар турганини ўшанда қалбдан ҳис этиётганингиз мана энди бизга аён...

Қарангки, мактабда ўқиб юрган кезларингизда дўстларингизга Павел Корчагиннинг бўқилмас иродаси, ҳаётга меҳр-муҳаббати ҳақида тўлиб-тошиб гапирар экансиз. «Чин инсон ҳақида қисса» фильмининг неча марта кўрганингиз ҳозир эсингизда эмасдир. Аммо бир нарсани эдингизда бир умрга муҳрланганига биз амин бўлдик: инсон иродали бўлиши керак, қийинчиликларни енга билиши керак. Шундагина унга ўз орузлари ҳамроҳ бўлишни ўз тимсолингизда ана бир бор исбот эдингиз.

Эсингиздами Бахтиёр, бир кун дадангизга қизариб-бўзариб, истихола билан «Мен энди фарзанд кўрармиканман», деб айтган гапингиз? Дарвоже, иккинчи фарзанди бўлганингизда ўлгингизга гувоҳнома олиш учун ЗАГС оstonасига қадам қўйганингизни бир хотирланг... Ўшанда ниҳоят қорозини кўчага чиқиб топширган қўзликни ва дилбар аёл сизни таниб қўлиб ҳажон билан ўлгингизнинг гувоҳномасини қўлингизга тутқаётганда кўзи жикка ёшга тўлган эди.

— Нима гап, нима гап ўзи, бирор ранжидими, — деб сўрашди ундан дугоналар сиз кетгач.

— Йўқ, аксинча, ҳозир хонадан чиқиб кетган йигитнинг бахтидан севинганимдан йилгаламан. Тўғриси, шунақа бўлади деб асло ўйламайдим. Қаранг, иккинчи фарзанди бўлибди-я.

Кейин бу аёл сизнинг тақдирингиз ҳақида, йўқотган бахтингизни топаганингиз ҳақида гапириб берганидан хабарингиз борми?

Ҳа, ўзгалар бахтини кўрганда ундан севинганидан бундай олийхона инсонлар бизда беҳисоб. Шундай инсонлар борки, ҳаётимиз нурафшон, шундай инсонлар шарофати туфайли яхши орузлар қанот қўлади, киши қалбиди гап-андуҳлар унут бўлади.

Суякли фарзандларингиз, меҳрибон рафиқангиз атрофингизда парвона бўлганида бахтиёрлигингиздан севинганингиз, бошдан кечирган ўша бахтсиз онларингиз бир умрга унут бўлганига энди биз гувоҳмиз, одамларга хизмат қилаётганингиз, уларга нафитиз тегаетганига ҳам биз гувоҳмиз. Ана шўларнинг ҳаммаси ҳақиқий бахт эмасми? Бинобарин, чиндан ҳам исми жисмингизга мос — бахтиёрсиз!

Яна бир гап: тўғри, сиз тинч меҳнат пайтида фалокат туфайли не-не оғир дамларини бошдан кечирмадингиз. 3770 кундири оёқларингиз сизга бўйсунмайдди. На-чора. Лекин руҳан тушмай, умид билан яшадингиз, ўз тақдирингизни нурга чулғадингиз. Ҳаётга, яшашга меҳру муҳаббат сизни ана шунга ундади. Хўш, унда ўзининг интернационал бурчини ўтаётган тенгдошларингизчи? Уларни ҳам ана шундай муштарак мақсадлар, халғига, она-Ватанига муҳаббат сингари энг олий туйғулар мардлик ва қаҳармонлик қўришга даъват этапти. Халқимиз сиз каби, сизнинг тенгдошларингиз сингари жасоратли, иродали, ўтирак фарзандлар билан фахрланади. Зеро, бизнинг совет турмуш тарзинингиз асл моҳият-этибори, унинг оҳанграб, жозибаси кучи ҳам ана шунда!

Солиҳ ЕҚУБОВ.

ЖОНАЖОН ВАТАН БҲЙЛАБ

(ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАВАР ҚИЛАДИЛАР)

Хўжаликларга ёрдам

Кутузов (Молдавия ССР). «Плодородие» совхозининг қишлоқ меҳнатчилари хўжалик ташвишларидан халос бўлишди. Эндиликда трактор бевосита соҳрох даласидан қишлоқ аҳолисининг полиз участкаларига келтирилади. Механизатор ҳамқишлоқларнинг томорча участкаларини ҳайлаб бергач, унга кўрсатган хизмат учун ҳақ тўлаган кнвтанция берилади. Хўжалик полизини ҳайлабгина қолмай, балки бороналаш, ўғит билан озиклантиришни ҳам ўз зиммасига олди. Ана шундай хизмат кўрсатиш қишлоқ хонадонларига махсулот етиштиришни қўлайтириш, экинлар турини кенгайтириш имконини берди. Томорча участкаларига тўла ишлов бериш, совхоз меҳнатчиларига қўй билан ўн сўмга тўшмоқда. Бу йил республика хўжаликларининг қишлоқ хонадонларига кўрсатётган хизмат турлари сезиларли равишда қўлайди.

Ташаббускор ёшлар

Гори (Грузия ССР). Маҳаллий корхоналар, мактаблар ва қишлоқ хўшар-техника билим юртларининг тоқсонлари Грузиянинг Гори шаҳридаги қўлдан бери қўрилатган иморатга тезда битказишга ёрдам бердилар. Улар оммавий шанбалик ва яшанбаликлар уюштириб, ўн беш йил муқаддам пойдеворига дастлабки ғишт қўйилган шахар маданият саройини қўриб битказмоқдалар. Гори ёшлари автоаводликларнинг қўлаб-қувватлаб, кинотеатр ва шахмат клубини қўришда қатнашмоқдалар. Ҳозир ташаббускорлар шахар маданият ва истироҳат боғини ободонлаштирмоқдалар. Ёшлар тезда битказишга ёрдам бердилар. Улар оммавий шанбалик ва яшанбаликлар уюштириб, ўн беш йил муқаддам пойдеворига дастлабки ғишт қўйилган шахар маданият саройини қўриб битказмоқдалар. Гори ёшлари автоаводликларнинг ташаббусини қўлаб-қувватлаб, кинотеатр ва шахмат клубини қўришда қатнашмоқдалар. Ҳозир ташаббускорлар шахар маданият ва истироҳат боғини ободонлаштирмоқдалар, ёшлар кафесини реконструкция қилмоқдалар.

Иш вақтини тежаш бюроси

Пенза. Фрунзе номидаги велосипед заводида иш вақтини тежаш жамоатчилиги бюроси ташкил қилинди. Энг яхши ишчилар, инженерлар ва нўтисодчилар корхонада қўриқ этила бошлаган тавсиларини ишлаб чиқдилар. Иш кунидан оқилона фойдаланиш меҳнат ва технология нитизомини мустаҳкамлашга, иш графигини тивизлашга ёрдам берди. Махсулот сифати ҳам яхшиланди.

Лирик манзаралар галереяси

Шуя (Иваново области). Ана шу қадимий рус шаҳрининг ўлкашўнослик музейида очилган кўргазмада шахарликлар РСФСРда хизмат кўрсатган расм А. Лебедев-шуйскийнинг полотнолари билан танишмоқдалар. У 60 йиллик астойдил ижодий меҳнати билан ватан лирик манзараларининг бутун бир галереясини яратди. Бу асарларнинг кўпчилиги эндиликда Москва ва Ленинград музейларида, Россиянинг бошқа қирққа яқин шаҳарида сақланмоқда.



Псков дўнрининг тарихи узок асрларга бориб тақалади. Псковнинг атрофидида қадимий шаҳарлар бундан кўпгина юз йилликлар муқаддам душманга дахшатли бўлиши билан бирга, савдо иши билан шуғулланувчи кишиларнинг динқитини ҳам жалб этган. Чет эл мамлакатларининг савдогарлари қадимий савдо йўли орқали бу ерга тез-тез келиб туришган. Улар ҳар тўла молларини Россияда тайёрланган азинавий буюмларга алмаштиришган. Бу буюмлар зигир толас, батас, мис, рус қўнарнақчилиги иёфис буюмларидан иборат бўлган. Қадимий Псков дўнрининг ворислари ҳозирда ҳам халқ санъати азинавийларини давом эттирмоқдалар.

Сергей Григорьевич Григорьевнинг қўлида оддий новда иёфис буюмга айланди. Тўқилган саватлар, креселлар, столлар (суратда) ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.



Чуд қўлининг қирғоқлариди Фин-ўғор қабилалари қадим замонлардан бунён яшаб келадилар. Улар халқини — эстон халқининг этник гуруписига кирувчи миллатлардан бири. Сетуларнинг моддий ва маънавий турмуши ўзига хос ёрқин ва жозибалидир. Қишлоқларда ҳозирда ҳам тўқимачилик ва бошқа хўналар яхши сакланиб қолган. Айниқса бу хўнармандчиликларга қўшиқлар жуда ҳам ярашди. Замонавий Сетулар шаҳрида қўшиқлари билан шўҳрат қозонган қатор фольклор коллективлари бор.

СУРАТДА: Мария Семёновна Пакнапуу ва Марэ Пихо навбатдаги концертга тайёргарлик кўришмоқда.

Г. Калачьян фотолари
ТАСС фотохроникаси.



Ғолиблик учун кураш

Шашка бўйича аёллар Бутуниттифоқ турнирининг туринчи турда голлики Зинаида Белкина жуда чиройли комбинация ишлатиб, мутахассисларнинг таҳсинига сазовор бўлди. Татьяна Тетрианага қарши дон сурган бу шашкачи партияни олти юришда ғалаба билан якунлади. У ҳозир энг чиройли комбинация учун бериладиган махсус совринга ҳам даъвогар бўлиб турибди.

Турнир пешқадамларидан яна бири Елена Читайкина бу сафар қаттиқ қаршиликка дуч келди. Катта қийинчиликлар эвазига Ревенка Эстеркина билан бўлган ўйинни дураг билан якунлашга эришди. Ярим очко олиш учун ҳар икки спортчи ҳам жиддий тёр тўкишга мажбур бўлди. Партия беш соат давом этди.

Республикамизнинг вакили Зайнаб Сафина биринчи ғалабани қўлга киритди. У скртик ўйинлар бўйича мамлакат чемпиони Светлана Устименко йўл қўйган ҳаётдан усталик билан фойдаланди. Ташаббусни бўшаштирмай, муҳим очкони қўлга киритди. Андрейоник Карина Мирзаеванинг мамлакатнинг собиқ чемпиони Маргарита Яковенко билан учрашувида ҳамюртимизнинг устуниги сезилди.

турди. Аммо у иккинчилардан тўғри фойдалана олмади. Натижада дурагга рози бўлди. Тошкентлик Ҳадича Иброҳимова ва одессалик Людмила Макушева ўртасидаги учрашувида ҳам томонлар дурагга рози бўлишди. Республика чемпион Ирина Иванова бу сафар омадсизликка учради. У мамлакатнинг собиқ чемпиони Людмила Петрованинг стратегик планини тушунади. Шу бонс ҳам мағлубиятнинг тан олишга мажбур бўлди.

Мамлакат чемпиони Елена Мартынова ҳам жуда чиройли комбинация ишлатди. у даммага чиқиш учун бешта шашкасини қурбон қилди. Кейин эса рақибининг тахтадаги ҳаракатларини чеклаб қўйди.

Бешинчи турда пешқадам Зинаида Белкина оғир аҳволга тушиб қолди. Партиянинг бошланғичи Елена Ткаченко ажойиб комбинация ишлатиб устуниликни қўлга киритди. Леонид Куп ўтмасдан ўзи ҳам ҳаётга йўл қўйди. Натижада партия дураг билан якунланди.

Шу кун республикамиз вакиллари яхши ўйин кўрсатди. Карина Мирзаева Светлана Устименкога қарши шиддаткорлик билан дон сурди. Вазиятлардан тўғри фойдаланиб, партияни ғалаба билан якунлади. Бу ўйин турнирдаги биринчи ғалабасидир. Зайнаб Сафина Елена Мартынованинг энг биш пешқадамларга қийинлашди. Қолган икки ҳамшахримиз рақибларин билан очкони баҳам кўришди.

Людмила Петрова жуда кўп ҳаётга йўл қўйди. Бу ҳаётдан Елена Читайкина усталик билан фойдаланди. У икки шашкасини қурбон қилди даммага чиқишга ташаббуси қўлдан бермади. Натижада, рақибни мағлубиятнинг тан олишга мажбур бўлди.

Кечиктирилган партиялар давом эттирилганда Тетриана Петровани, Макушева Эстеркинани енгди. Беш турдан сўнг туртадан очко тўплаган З. Белкина ва Е. Читайкина олдинда бормоқда. Макушева 3,5 та очко тўплади. Мирзаева, Сафина ва Тетриана активда эса ўчтадан очко бор.

Р. АДОНЬЕВ.

Физкультура ва спорт

Қишки спортнинг кичик «академияси»

Қор трассалари ва муз майдонларида шуғулланувчи ўзбекистонлик ёш спортчиларни тайёрлаш ишлари кенгайиб бормоқда. Олимия резерви республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби янги факультетларга ўқувчиларни тақдим этмоқда.

Ўзбекистон пойтахти болалар шунгача қишки спортнинг икки тури — шайбали хоккей ва фигуралӣ учини ўрганишлари мумкин эди. Эндикда тоғ чанги спорт машғулотини учун янги имконият пайдо бўлди. Унда икки бўлим мавжуд. Теталикдан тез тушиш ва слявтомда акти тоғ чанги акробатикаси — фристайлга ихтисослашиш мумкин.

Спортнинг шу тури тобора оммалашиб бораётганлигини рақамлардан ҳам билса бўлади. Ҳар бир бўлимга дастлабки пайтдаёқ икки юз нафардан ўғил ва қиз болалар қабул қилиниши кўзда тутилган. Бўлимларга биринчи синф ўқувчиларидан торттиб олти ёшгача бўлган ўсмирлар қабул қилинади. Улар билан «Мажнат» ва «Спартак» спорт жамиятларидан юбонрилган тренерлар шуғулланишади. Чунки бу жамиятларда тоғ чангиси ва фристайл яхши ривожланган. Янги очилган бўлимларда бошланғич тайёргарликдан ҳам, спорт маҳоратини ўзлаштириш курслари ҳам ўтиш мумкин.

«Юбилей» Марказий спорт залининг хоналари ва яхмалари, шунингдек Чимён ва Болдирсойнинг қишки стадионларида трассалар ва ўқув-машқ марказлари қишки спорт кичик «академиясининг» синфхоналари бўлиб хизмат қилади. Бу ерда олимпия резервлари янги мактабининг доний филиаллари ташкил этилади.

(ЎзТАГ).

Мусобақалар хроникаси

Ёшлар

беллашишди

Самарқанд шаҳрида шахмат бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида республика биринчилиги ўтказилди. Ўсмирлар орасидаги баҳсларда юксак тактик маҳорат кўрсатган Баходир Багиров чемпион унвонини қўлга киритди. Тошкентлик Роман Пастернак иккинчи ўринни эгаллади. Қизлар ўртасидаги баҳсларда эса республикамиз пойтахтининг икки вакили — Надежда Репрун ва Муҳаддас Мансурова биринчи ва иккинчи совриндор бўлишди.

Кубок

тошкентликларда

Чирчиқдаги мерганлик маррасида мерганлик бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси ўтказилди. Ғолиблик учун 80 дан зиёд спортчи маррага чиқди. Пистолетдан ишонини мўлжалла олишда тошкентлик Елена Гребец энг яхши натижа кўрсатиб кубок соҳиби бўлди. Милитдан ишонини мўлжалла олишда ҳам тошкентлик спортчилар яхши маҳорат кўрсатди. Владимир Ерохин ва Алла Милентьева биринчи ўринни эгаллашди. Команда ҳисобида ҳам тошкентликлар кубок соҳиби бўлишди.

Мусобақа якунига кўра республика тарма командаси тузилди. Бу команда декабрь

бул қилиниши кўзда тутилган. Бўлимларга биринчи синф ўқувчиларидан торттиб олти ёшгача бўлган ўсмирлар қабул қилинади. Улар билан «Мажнат» ва «Спартак» спорт жамиятларидан юбонрилган тренерлар шуғулланишади. Чунки бу жамиятларда тоғ чангиси ва фристайл яхши ривожланган. Янги очилган бўлимларда бошланғич тайёргарликдан ҳам, спорт маҳоратини ўзлаштириш курслари ҳам ўтиш мумкин.

«Юбилей» Марказий спорт залининг хоналари ва яхмалари, шунингдек Чимён ва Болдирсойнинг қишки стадионларида трассалар ва ўқув-машқ марказлари қишки спорт кичик «академиясининг» синфхоналари бўлиб хизмат қилади. Бу ерда олимпия резервлари янги мактабининг доний филиаллари ташкил этилади.

(ЎзТАГ).

Баскетболчилар

ғалабаси

Томск шаҳрида хизмат кўрсатган спорт мастери Сергей Белов хотира соврини учун ўтказилган баскетбол бўйича Бутуниттифоқ ўсмирлар турнирида республикамиз вакиллари яхши натижа кўрсатди. 14 ёшли ўсмирлардан ташкил этилган Тошкент командаси биринчи ўринни эгаллади. Ўсмирларимиз финалда хабаровский тенгдошларини йирик ҳисобда енгилди. Хужумчи Зоир Парпиев ва ҳи-

«Буревестник»

Ғолиб

Янгйободада ўтказилган баскетбол бўйича Ўзбекистон биринчилигида қизлар командалари иштирок этишди. Улар республикамиздаги турли қўғилли спорт жамиятларининг вакиллари эдилар. Учрашуларини ҳужумкор ва кўтаринки руҳда ўтказган «Буревестник» қўғилли спорт жамиятининг вакиллари республика чемпион унвонини қўлга киритишди.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

реклама эълонлар реклама

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Озиқ-овқат моллари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган 4 ОИЛИК,

контролёр-кассирларни тайёрлайдиган

6 ОИЛИК

КУРСЛАРГА

Қабул эълон қилади

8—10 СИНФ ҲАЖИДА МАЪЛУМОТЛИ, 18 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҲИ-СОВЛАНАДИ.

Бир вақтинчи ўзида ўқувчилар кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИНИ ТУГАТГАНЛАР ИИРИК МАГАЗИНЛАРГА ЙЎЛЛАМА БИЛАН ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР ҲАМДА УЛАРГА САВДО ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ БЎЛИМИГА КИРИШДА ИМТИҲОНЛАР БЕРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 24, 26, 10-трамвайлар, 2, 3, 22, 80, 161, 32-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

Справкалар олиш учун телефон 55-75-15.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИНИНГ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Республика ўқув-курс комбинати савдонинг қуйидаги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайди:

барча профилдаги озиқ-овқат ва саноат товарлари бўйича юрри маалакани контролёр-кассир ва сотувчилар.

Бу гуруҳларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотли қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Ўқиш муддати — 6 ой.

Уни битирганларга «Контролёр-кассир» ёки «сотувчи» ихтисоси берилади.

Шунингдек, озиқ-овқат ва саноат товарлари бўйича кичик сотувчилар тайёрлайдиган гуруҳларга тугалланмаган ўрта (8, 9-синф) маълумотли 15 ёшдан 25 ёшгача болалар ҳам кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Контролёр-кассир ва кичик сотувчилар тайёрлайдиган гуруҳларнинг тингловчиларига ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига кирди.

Машғулотлар ҳар бир гуруҳа комплексландиан сўнг бошланади.

Республика ўқув-курс комбинати барча гуруҳларга республикамиз шаҳарларида ашайдиган қизларни қабул қилади.

Республика ўқув-курс комбинатининг барча гуруҳларига ҳужжатлар қабул қилиш, шунингдек гуруҳларда ўқиш бутун йил давомида, узулкис равишда олиб борилади. Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Машғулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Тингловчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида — Тошкент Бош универсал магазини — ГУМда, Тошкент шаҳридаги «ГАСПРОНОМ» магазинларида практика ўтказиладилар.


Ўқув-курс комбинатининг барча гуруҳларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топирадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справна, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкиси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 донa фотосурат, характеристика.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Ахмал Ибромов райони, Чилонзор мас-сини, Бобир кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами касалхонаси», 4 ва 9-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нарийф-Тингловчи Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

[ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ] — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.



РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55, 37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар ҳўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 32-58-95, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.